



[Бош саҳифа](#) > 25 миллион ёхуд 150 миллиард АҚШ доллари: бу рақамлар нимани англатишни биласизми? (2019 йил, 31 сон)

12.08.2019



СТАТИСТИК маълумотларга кўра, ҳозирда дунёда замонавий қулликнинг қурбони бўлган кишилар 25 миллионни ташкил этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хабарига кўра, одам савдосидан келадиغان йиллик даромад тахминан 150 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Албатта, бу ачинарли ҳолат. Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда одам савдоси ҳамда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабат билдирилиб, унинг олдини олиш, мазкур жиноят қурбони бўлган шахсларга ижтимоий кўмаклашиш доимий равишда амалга оширилмоқда.

Хусусан, мазкур соҳада “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Шунингдек, мазкур жиноятга нисбатан жазони назарда тутувчи норма Жиноят кодексининг 135-моддасида ўз аксини топган.

Шу ўринда айтиш лозимки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичининг пасайишига аҳолини мазкур жиноятларнинг хавфи ҳақида хабардор қилиш орқали эришиш самарали усул эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Бош прокуратура маълумотиغا кўра, республиканинг 29 та чегара постида чет элга чиқаётган фуқаролар билан маърифий суҳбатлар ўтказилиб, мажбурий меҳнат ва бошқа қуллик таҳдидлари тўғрисида маълумот берувчи рисолалар тарқатилмоқда.

Ҳозирда республикаимизда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширмоқда. Жумладан, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, яқинлари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш, қариндошларига ва

васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш каби масалаларда кўмаклашмоқда.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг узвий давоми сифатида Президентимиз 2019 йилнинг 30 июлида “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармон билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинди. Миллий комиссия Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиялардан иборат.

Давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш Миллий комиссиянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий маърузачи институти таъсис этилди. Миллий маърузачи одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги вазият ҳақида Президентга ҳар йили ахборот тақдим этади.

Мазкур ўзгаришлар республикамизда одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш жараёнига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши, шубҳасиз.

Нозимбек ЮЛДОШЕВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими

58 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Дунёни меҳр кутқаради \(2019 йил, 33 сон\)](#) [3]
- [Бугун ҳамма нарсанинг иложи бор! \(2019 йил, 33 сон\)](#) [4]
- [Хусусий мулк дахлсиз \(2019 йил, 33 сон\)](#) [5]
- [Блогерлар шарҳлар учун жавобгар\(ми?\) \(2019 йил, 33 сон\)](#) [6]
- [“Виждонли” суд эксперти \(2019 йил, 32 сон\)](#) [7]
- [Коса тагида нимкоса ёхуд “пора”ни англатувчи атамалар \(2019 йил, 32 сон\)](#) [8]
- [ДАЪВО \(ҳикоя\) 2019 йил, 32 сон](#) [9]
- [Ҳикматлар хазинаси \(2019 йил, 32 сон\)](#) [10]
- [Коррупцияга қарши курашишда хориж тажрибаси \(2019 йил, 32 сон\)](#) [11]
- [Гендер тенглиги: ёхуд аёлларга меҳр-оқибатдан квота бўлсин \(2019 йил, 32 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4967>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4967>

- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4967>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4995>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4994>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4993>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4988>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4985>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4984>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4983>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4982>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4979>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4978>